



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

35 (252) ● 2013 йил 11 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**5 МАЪНАВИЯТ**

Юртимизда ота-боболаримиз хунарини янада ривожлантириб келаётган иқтидорли хунароманд ёшларимиз кўпчиликини ташкил этади



**6 ЖАРАЁН**

Бугунги кунда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда



**8 КЎЗГУ**

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат кўмитасига қарашли Геология музейи юртимизнинг бой табиий ресурсларини ўзида жамлаб келмоқда



**ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШХТ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг 2013 йил 12-13 сентябрь кунлари Бишкек шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 10 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Мазкур расадхона аждодларимизнинг буюк закоси, юртимиз илм-фанининг чуқур илдизлари ва тараққиётдан далолат беради. Си Цзиньпин Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништирилди.

Икки давлат раҳбарлари Амир Темур мақбараси ва Регистон мажмуини бориб кўрдилар.

Хитой раҳбари Шарқ меъморчилигининг ноёб обидаларидан бўлган Регистон мажмуини катта қизиқиш билан томоша қилди. Бу ерда доимий фаолият юритувчи миллий хунаромандлик буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди. Самарқандда азалдан хунаромандлик, савдо-сотик ривожланган. Қўли гул усталаримиз тайёрлаган маҳсулотлар Буюк ипак йўли орқали бутун дунёга, жумладан, Чин заминига ҳам етиб борган. Хитойнинг турли мамлакатлар билан савдо алоқаларини ривожлантириш ва маданиятини янада бойитишда Самарқанд муҳим роль ўйнаган.

Олий мартабали меҳмон қадим маданиятимиз ва миллий давлатчилигимиз тимсоли, меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган Самарқанд обидалари унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

— Жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман. Ўзбекистонда Президент Ислоом Каримов раҳнамолигида мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш, қадимий осори-атиқаларни асраб-авайлаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим, - деди Си Цзиньпин. — Катъий ишонаманки, Ўзбекистон халқи Президент Ислоом Каримов раҳнамолигида бундан кейин ҳам юксак ютуқ ва марраларга эришаверади.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Кўксарой қароргоҳида ўтган музокаралар якунида Ислоом Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, саноат, минерал ресурсларни ўзлаштириш, энергетика, транспорт ва юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, гуманитар алоқаларни кенгайтириш бўйича ҳукуматлараро, вазирлик ва идоралараро ўзаро манфаатли кўлаб ҳужжатлар имзоланди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги стратегик ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги bosқичда кўтаришга хизмат қилади.

Шу билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунига етди. Хитой раҳбари Ўзбекистонга ташрифи жуда самарали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул учун Президент Ислоом Каримовга чуқур миннатдорлик билдирди.

**Анвар САМАДОВ,  
 Фолиб ҲАСАНОВ,  
 ЎЗА махсус мухбирлари**

## Партия лойиҳаси



## ЎзМТДПнинг зукко хотин-қизлари

**"Аёллар қаноти" лойиҳасида юксак билим ва иқтидор соҳибалари кашф этилмоқда**

*Партия хотин-қизларининг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида тўлақонли ва фаол иштирокчини таъминлашга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратади. Мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишда фаол иштирок этишни партия ўзининг ўта муҳим вазифаси деб билади. Шунингдек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз Ватанини севаган ва унинг миллий-маънавий қадриятларини ҳурмат қилувчи ёшларни ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги етакчи куч, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчиси деб билади.*

ЎзМТДП сайловолди Платформасидан

**3-бет**

## Давра суҳбати

# Ислоҳотлар жараёнида сиёсий партиялар

**асосий иштирокчига айланмоғи лозим. Ушбу масалага партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳузурдаги Мафқуравий ва маънавий-маърифий йўналиш бўйича ишчи ва экспертлар гуруҳи йиғилишида алоҳида эътибор қаратилди**

*Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳузурда Мафқуравий ва маънавий-маърифий йўналиш бўйича ишчи ва экспертлар гуруҳи ташкил этилган эди.*

Унга депутатлар, олимлар, мутахассислар, экспертлар ва партия фаоллари жалб этилган. Мазкур ишчи гуруҳи ва экспертларнинг навбатдаги йиғилиши "Мамлакатимизда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларда сиёсий партияларнинг иштироки" мавзусидаги давра суҳбати доирасида ўтказилди. Унда

партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда экспертлар гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Давра суҳбатини ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— Истиқлол йилларида сиёсий партияларнинг ўз олдига қўйган мақ-

сад ва вазифаларини амалга ошириш учун мустақам ҳуқуқий база яратилди. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

**2-бет**

## Ижроия Кўмилада Пленумлар якунлари муҳокама этилди

*Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси йиғилишида партия Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашиларида ўтказилган Пленум якунлари муҳокама қилинди. Йиғилиши ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очиб, партия фаолияти бўйича ҳудудларда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида тўхталиб ўтди.*

— Ўтказилган Пленумлардан келиб чиқиб партия фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, фаолиятимизни янада кучайтириш зарурати кузатилмоқда. Худудий ва маҳаллий партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётган кўлаб тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида жорий йилнинг биринчи ярим йили якунига кўра, партия аъзолари сони етти минг нафарга яқин ошишига эришилди. Бундан ташқари жойлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари фаолиятида жонланишлар кузатилмоқда. Яъни улар томонидан маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ташаббус-масалаларнинг олиб чиқилаётгани фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидланганидек, Пленумларда партия фаолиятига доир масалалар билан бир қаторда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Партия раҳбари ютуқлар билан бир қаторда суҳбатчиликка йўл қўяётган айрим партия ташкилотлари ва депутатлар ҳам учраб тургани, бу борада партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилишига эътибор қаратди.

Шунингдек, йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Уринбосарлари Ж.Сафоев ҳамда А.Эшмуродовлар сўзга чиқиб, ўзлари иштирок этган худудий партия ташкилотларининг Пленумлари якунлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси йиғилишида ЎзМТДП фаолияти билан боғлиқ бир қатор масалалар ҳам кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Давра суҳбати

Ислоҳотлар жараёнида сиёсий партиялар

асосий иштирокчига айланмоғи лозим. Ушбу масалага партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳузуридаги Мафқуравий ва маънавий-маърифий йўналиш бўйича ишчи ва экспертлар гуруҳи йиғилишида алоҳида эътибор қаратилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"-да белгиланган вазифалар, гоё ва мақсадлар мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини янги босқичга олиб чиқмоқда. Бу жараёнларда, табиийки, ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этишга интилоқда. Партиямиз сиёсий таъбирга орттириш, барқарор электоратини шакллантириш йўлидан бормоқда. Галдаги асосий вазифамиз ҳам партия фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилмоғи лозим, - деди партия раҳбари.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафев маъруза қилиб, асосий эътиборни партия мафқуравий, маънавий-маърифий йўналишидаги ишларни янада кучайтириш ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларга қаратди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияларининг қонун ижодкорлиги борасидаги, жойларда депутатлик гуруҳларининг қарорлар қабул қилишдаги фаолияти тубдан ўзгарди. Депутатларнинг партия сайловолиди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги масъуляти кучайиб, маҳаллий кенгаш сессияларига ҳудудлардаги энг долзарб масалаларни олиб чиқишдаги ташаббуси сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Бу жараёнларни янада юқори поғонага олиб чиқиш, партия фаолиятини замон талаблари асосида янги босқичга кўтариш мақсадида Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси қошида соҳалар бўйича ишчи ва экспертлар гуруҳлари тизилди. Ушбу гуруҳлар билан биргаликда қатор лойиҳалар тайёрланмоқда, учрашув ва очик мулоқотлар уюш-

тирилмоқда. Бугунги давра суҳбатиди ҳам ишчи ва экспертлар гуруҳининг мафқуравий, маънавий-маърифий йўналишда ўтказилади-ган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, тарғиботнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш борасидаги таклиф, фикр-мулоҳазаларни тинглаш, таҳлил қилиш ва фао-

лиятимизга жорий этишни мақсад қилганмиз.

Давра суҳбатиди кўтарилган масалалар юзасидан экспертлар гуруҳи аъзолари ўз муносабатини билдириб, партия гоёси ва мафқура-расининг одамларга тез ва осон этиб борадиган усуллари бораси-даги фикрларини билдиришди.

Абдуғафур МАМАТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Партиямиз сайловолиди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда иш фаолиятимизни янада кучайтириб, партия мафқурасини замон талаблари асосида изчил янгилаб боришимиз зарур. Истиқлол йилларида мамлакатимизда маҳалла институтини ривожлантириш, оила кадрятларини асраб-авайлаш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, хотин-қизларни жамиятни модернизация қилиш жараёнига жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кўмаклашиш, бу борада электоратимиз имкониятларидан фойдаланиш лозим. Шунингдек, партия гоёларини ва мафқура-расининг кенг омма орасига кириб боришида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг узулқисз ҳамкорлигини йўлга қўйиш, тарғиботчи нотикларнинг нутқи соддалиги ва раволиғига, таъсирчан ва халқчил сўзлардан фойдаланишларига эътибор қаратиш лозим.

Мавжуда РАЖАБОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий кадрятларни, халқ аъаналарини сақлаш ва бойитиш жараёнида фаол иштирок этишини таъминлаш партиямиз дастурий мақсадларидан саналади. Бугунги давра суҳбатидан сўнг аёл депутатларимиз фаолигини янада ошириш, барча даражадаги депутатлар ҳамкорлигини кучайтириш ва жойлардаги партия аъзолари орасидан доно, ташаббускор, зукко, партиямиз мақсад ва вазифаларини англайдиغان ҳамда сидқидилдан бажарадиган кадрлар захирасини шакллантириш асосий вазифамизга айланмоғи лозим, деган фикрга келдим.

Илҳом АБДУЛЛАЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мафқуравий, маънавий-маърифий йўналишдаги тарғиботни амалга оширишда, энг аввало, партиямиз веб ҳамда матбуот нашри фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш талаб этилади. Боиси, тарғибот ишларимизнинг асосий қисми партиямизнинг интернетдаги сайти ҳамда матбуоти саҳифаларида акс этади. Мазкур ахборот воситалари орқали тарғиботнинг энг мукамал турларини амалиётга татбиқ этиш имконияти бор бизда.

Баҳодир ХУСАНОВ, Экспертлар гуруҳи аъзоси:

— Бошланғич партия ташкилотлари партия мафқураси ва гоёларини кенг халқ орасига кириб боришида асосий таянч саналади. Шу боис, тарғибот ишларида асосий эътибор қуйи бўғинларга қаратилиши лозим, деб уйлайман. Айниқса, жамиятнинг энг фаол қатлами бўлган ёшлар кўмағига таяниш бу жараёнларнинг янада жаддалашувиغا хизмат қилади. Бунда республикамиздаги мавжуд олий ўқув юртлири ёш кадрларини бошланғич партия ташкилотларига бирлаштириш, партия гоёларини тарғиб қилишда улар салоҳияти ва имкониятидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Миллий хунармандчиликнинг янада ривожланишига кўмаклашиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни, ҳаётга кириб келаётган мамлакатимизнинг ёш фуқароларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрнларини топиб олиши учун зарур ҳуқуқий ва самарали механизмларни кучайтириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолиди Платформасида алоҳида таъкидланган. Шу нуқтаи назардан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга, хусусан, миллий хунармандчиликка жалб қилиш депутатлик гуруҳлари олдиди турган муҳим ва долзарб вазифалар сирасига қиради. Маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар бу борада партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда амалий ишларга қўл уришмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДПдан халқ депутатлари Асака туман Кенгашига 13 нафар депутат сайланган. Улар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда бугунги куннинг энг долзарб вазифаларини юзасидан туман кенгаши сессиясига масалалар киритиб боришмоқда. Жумладан, халқ депутатлари Асака туман Кенгашининг 21-сессиясига ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан "9-синф битирувчиларини таъминнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб қилишни ташкил этиш ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тўғрисида"ги масала киритилди. Ушбу масала юзасидан туман кенгаши сессиясига қарор қабул қилиниб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Мутасадди ташкилотларга касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар юклатилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи ёш авлод келажаги учун ўзини дахлдор деб билган ҳар бир инсоннинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоғи лозим, - дейди партия Асака туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Манзура Жўраева. — Бу борада ҳукуматимиз томонидан ҳам қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганки, бу айниқса, биз депутатларга алоҳида масъулият юклайди. Жорий йил туманимиздаги 12 та касб-хунар коллежи 5 минг 566 нафар йигит-қизлар тамомлади. Уларни миллий хунармандчиликка жалб қилиш орқали иш билан таъминлаш мақсадида депутатлик гуруҳимиз томонидан туман Кенгаши сессиясига ташаббус-масала киритилди. Сессия қарорига мувофиқ туман халқ таълими фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, тумандаги касб-хунар таълими муассасалари раҳбарлари, хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими, туман ички ишлар бўлими ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мутасаддиларига масъулиятли вазифалар юкланди.

Ташаббус ва натижа



Битирувчилар бандлигини таъминлаш

масаласини ЎзМТДП депутатлик гуруҳи халқ депутатлари Асака туман Кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқди ва тегишли қарор қабул қилинишига эришилди

Таъкидлаш жоизки, халқ депутатлари Асака туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан тумандаги касб-хунар коллежлари битирувчилари билан доимий суҳбатлар уюштирилмоқда. Айниқса, ўқувчиларни амалиёт ўташ даврида улар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларининг яратилиши, уларни оғир меҳнатга жалб қилмаслик бўйича доимий назорат ишлари олиб боришмоқда. Яъни иш берувчиларнинг масъулияти кучайтирилди. Тумандаги 2664 та манзилли корхона, ташкилот ва муассасаларда амалиёт ўтатишлари учун шароит яратишга кўмаклашилди. Уч томонлама шартномаларнинг амалда қўлланилиши бўйича масъулият янада оширилди. Депутатлик гуруҳи томонидан тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларига талабалар учун меҳнат қонунчилиги бўйича берилиши керак бўлган қўшимча имтиёзлар ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида 5566 нафар битирувчиларнинг барчаси корхона ва ташкилотларда сифатли амалиёт ўтади.

битирувчиларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, дам олишни ташкил қилиш ва соғломлаштириш масалалари юзасидан алоҳида бандлар киритилди.

Халқ депутатлари туман кенгаши депутати А.Рустамовнинг ташаббуси билан Асака иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг 5 нафар битирувчилари туман электр тармоқлари корхонасига, депутат Қ.Қосимов ташаббуси билан эса Асака иқтисодиёт коллежининг 4 нафар битирувчилари туман газ унитар корхонасига ишга жойлаштирилди.

Ўрни келганда айтиш жоизки, депутатлик гуруҳи томонидан Асака туман Бандликка кўмаклашиш Маркази билан доимий алоқалар йўлга қўйилган. Марказ томонидан ташкил этилаётган меҳнат ярмаркаларини ўтказишда депутатлар фаол иштирок этишмоқда. Айнан депутатлар ташаббуси билан жорий йилнинг июл-август ойларида коллеж битирувчилари учун 4 мартабада меҳнат ярмаркалари ташкил этилди, натижада 700 нафардан ортик битирувчилар бандлигини таъминлашга замин яратилди.

Амалиёт ўташ даврида ҳамда янги ишга борган жойларида касб-хунар коллежи битирувчиларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида депутатлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уларнинг 150 нафарига 3 млн. сўмдан ортик ҳоимлик ёрдамлари кўрсатилди. Бунда битирувчилар билан "Хунари борнинг зарри бор", "Юксак маънавият — энгилмас куч", "Ёш авлод — миллат келажаги", "Касбим — бахтим" каби мавзуларда ўтказилган уч-рашувлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларнинг иш жараёнида соғлом ва хавфсиз меҳнат қилишлари учун шароит яратиш мақсадида касба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкилот ва муассасаларнинг жамоа шартномалари бандлигига янги ишга келган коллеж

депутатлик гуруҳининг маҳаллий кенгашлар сессияларига ташаббус-масала киритиши ўша ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли, муаммолари, аҳоли турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ бўлади. Ушбу масалалар юзасидан сессия қарори қабул қилингандан сўнг уни амалга ошириш тумандаги барча фуқароларга, жумладан, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатларидан алоҳида масъулият талаб этади. Уларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги саъй-ҳаракатлар ривожини белгилайди.

Хайрулло ВАСИЕВ, ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши матбуот қотиби, Шоҳида МИРЗАЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Мустақиллик тенгдошиман

Истиқлол имкониятлари — ёшлар эътирофида

Зебо ХИДИРОВА, ЎзМТДП Тўртқўл туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Бугунги кунда юртимизда биз ёшлар учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилганки, улардан унумли фойдаланиб, ўз иқтидор ва маҳоратимизни намойиш қилиш фақат ўзимизга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Истиқлол шарофати ила ҳар бир соҳада ёш йигит-қизларнинг ўрни ва роли ортиб бораётир — фан-таълим йўналишимиз, санъат, спорт, миллий хунармандчилик, тадбиркорлик каби барча соҳаларда улар ўз имкониятларини синаб кўриб, юксак натижаларни кўлга киритишмоқда.

Шунингдек, бугунги давр ёшлари сиёсий партиялар фаолиятида ҳам иштирок этиб, ўзларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш билан бирга бу борадаги қобилиятларини намойиш қилишмоқда. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ёшларини ўз Ватанини ҳурмат қилиш, севиш ва у билан фахрланиш, ҳар қандай шароитда миллий мустақиллиқни, халқимизнинг миллий кадрятлари, аъаналари ва урф-одатларини асраш ва ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашга кўмаклашишни ўзининг асосий мақсад-вазифаларидан бири деб билади. ЎзМТДП аъзоси ҳамда фаоли сифатида эътироф этишим керакки, партия томонидан ташкил этилаётган лойиҳа ва тадбирларда иштирок этиб, юртимизнинг сиёсий тизимидаги янгиликлардан бохабар бўлиб бориш, сиёсий-ҳуқуқий дунёқарашимни бойитиш, Президентимиз асарлари ва маърузаларини, янги қонун ва қарорларни янада кенгрок ўрганиш имкониятига эга бўлдим. Бунинг учун юртимизда барча имконият ва кулайликлар муҳайё қилинган - замонавий кутубхоналар, ахборот ресурс марказлари, интернет тизимидан фойдаланиш имкониятлари...

Юртимизда истиқлол шарофати билан ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳот, янгилашни ва ўзгаришлар ҳақида узоқ гапириш мумкин, албатта. Энг муҳими, биз ёш авлод вакиллари барча имкониятлардан унумли фойдаланиб, юртга дахлдорлик туйғусини ҳамшиша хис қилишимиз лозим.

Дилшоджон КАТТАБЕКОВ, ЎзМТДП фаоли

— Мустақиллик тенгдоши эканлигимдан фахрланаман. Чунки истиқлол билан бирга улғайиб, камол топиб келаяман. Мустақиллик туфайли катта тадбир ва сайлларда ўз иқтидоримни намойиш қилишга мушарраф бўлганман. 1995 йилда илк мартаба "Озод юртининг ўғлиман" деб номланган қўшигим билан мустақиллигимизнинг 4 йиллик байрам тадбирида катта саҳнага чиққаним ва ундаги ҳис-ҳаяжон ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайдди. "Истеъодларини излаймиз-95", "Ўзбекистон Ватаним маним" каби қатор кўрик-танловларда иштирок этиб, голибликни кўлга киритдим. Шунингдек, "Мирзо Улуғбек" мукофоти соҳибни бўлдим. Болали-

гимдаёқ эришган бу каби ютуқларим мени янада улкан марралар сари интилишга, ўз устимда кўпроқ ишлаб, истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланишга ундади. Бу интилиш ва орзу-мақсадлар мени Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига етаклади. Ҳозирда магистратура босқичида таҳсил олаётганман. Барча диққат-эътиборимни ўқишга қаратганман. Боиси бугунги кунда таълим тизими янада такомиллашиб, талаб ва вазифалар тобора ошиб бормоқда. Санъат соҳасида ўз ўрнини ва овозимга эга бўлиб, янада улкан марраларни кўлга киритишим учун таълим жараёнидан унумли фойдаланишим керак, албатта. Йигит қилшига қирқ хунар ҳам оз, деганларидек, келажақда ҳам хонанда, ҳам

актёр, ҳам телебошловчи ва режиссёр сифатида ўзимни намоён қилиш истаким бор. Бу орзу-мақсадларимни амалга ошириш учун эса юртимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Мустақиллик даври ёшларига тилагим, озод ва обод, тинчлик, фаровонлик ҳукм сураётган юртимизда яратилган кенг имкониятларнинг бари биз ёшлар учун эканлигини англаш ҳолда улардан кенг фойдалан-сак, мамлакатимиз тараққиёти бундан-да юксак бўлиши шубҳасиз. Жаннатмакон юртининг бахтиёр фарзанди эканлигимиз бизга гурур ва ифтихор билан бирга улкан куч-ғайрат ва интилиш ҳиссини ҳам бағишламоғи лозим. Юртимизнинг жамолига, тинчлигимизга ҳеч қачон кўз тегмасин, дейман.

Дилноза Абзамова, "Данолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" Республика кўрик-танлови Қашқадарё вилоят босқичи голибаси:

— Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан келажагимиз эгалари бўлган ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугунги кунда Юртошимиз раҳнамоллигиди ёшларни ҳар томонлама баркамол, жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялаш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Айниқса, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш масаласи янги босқичга кўтарилди. Бугун ҳар бир соҳада хотин-қизлар ўз иқтидори ва ташаббускорлигини намоён этмоқда.

ЎзМТДП сайловолиди Платформасида хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маъ-

навий кадрятларни, халқ аъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб бориш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу каби партиявий мақсадларни амалга оширишга қаратилган "Данолик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони" Республика кўрик-танлови юртимизнинг оқила ва доно ёш қизларини ҳам юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йил танловнинг вилоят босқичида иштирок этиб, республика босқичига йўлланма олдим. Мен учун бу яна бир имконият дегандир. Бу каби катта кичик имкониятлар улкан ишларни амалга оширишимизда асос вазифасини ўтайди.

Юсуф ҲАБИБУЛЛАЕВ, Наманган муҳандислик-педагогика институти талабаси, ЎзМТДП аъзоси:

— Мен мустақиллик йилларида, Ўзбекистон деб аталмиш жонажон диёрда улғайиб, камол топаётган бахтиёр ёш авлод вакилларидаман. Тенгқурларим қатори жамиятда ўз ўрнини топиш учун ўқиб ўргана-япман, фаол, интеллектуал салоҳиятли ёшлар сафида бўлиш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланмоқдаман. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок таълим-тарбия масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилди, замонавий таълим талабларига тўла жаов бера оладиган тизимни йўлга қўйиш ва такомиллаштириш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатларнинг туб моҳияти, мақсад ва вазифалари юртимизда етук ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган бўлиб, унда бир қатор устувор йўналишлар белгилаб қўйилган. Хусусан, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, шу асосда улар қалбиди келажакка нисбатан юксак инсон ҳиссини юксалтириш, ёшларда Ватанга, халққа муҳаббат, юрт фаровонлиги учун курашиш, инсонпарварлик, ўзликини англаш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш, ўзга миллат вакиллари-нинг кадрятларини ҳурмат қилиш каби физиялларни тарбиялаш, мустақил фикрлаш ва фаолият юри-тиш кўникмаларини камол топтириш масалаларига дастурда алоҳида аҳамият берилган. Мазкур дастур асосида йўлга қўйилган таълим тизими бугунги кунда жаҳон мамлакатлари томонидан юксак даражада эътироф этилмоқда.

Шу билан бирга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Соғлом авлод учун" ва "Сен ёлғиз эмассан" жамғармалари, "Келажақ овози" ёшлар ташаббуслари маркази саъй-ҳаракатлари ўсиб келаётган ёш авлоднинг орзу-истак ва интилишларини рўёбга чиқариши йўлида муҳим восита бўлмоқда.

Эътироф этишим лозимки, биз ёшлар юртимизда яратилган мана шундай шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз устимизда тинимсиз ишлашимиз, билим ва кўникмаларимизни оширишимиз керак. Зеро, мамлакатимиз келажаги биз ёшлар билан бевосита боғлиқдир.

## Партиявий ғоя ва вазибалар

тарғибот тадбирлари орқали амалга оширилмоқда

### ҚОРАҚАЛПОФИСТОН

ЎзМТДП Қораўзак туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан "Биз истиқлол фарзандларимиз" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Муваққиллик йилларида ёшларимизнинг ўзлари танлаган соҳалари бўйича пухта билим олиб, келажакда муносиб ўринларини топишлари учун мукамал таълим тизими яратилиб, муваққил қонунчилик базаси шакллантирилди, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Қ.Жақсимуратов. — Бу борада қабул қилинган "Таълим тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" соҳа ривожидида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. — Айтиш жоизки, партияимиз ҳам ўз сайловолди Платформасида халқ таълимини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёшларни улуг аждодларимизга муносиб ворис қилиб тарбиялаш, иқтидор ва имкониятларини намоён қилиб, шарт-шароит яратиб беришни устувор вазифа сифатида белгиланган.

Тадбир доирасида сўз олган бошланғич партия ташкилоти етакчиси Г.Қодирова муваққиллик туфайли юртимизда амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб, жумладан, шундай деди: — Муваққиллик даври чиндан ҳам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди. Истиқлол йилларида ёшларимиз турли халқаро танлов ва фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашлари ҳақ биримизни гурунлантиради. Бугунги ёш авлодди Ватан қорига қамарбаста, миллий кадриятлар ва урф-одатларга содиқ, эртанги кунга ишонч руҳида тарбиялаш, уларнинг замонавий билимларнинг чинакам билимдонлиги сифатида камол топишларида партия кўмаки ташкилотлари муҳим ўрин тутди.

Тадбир сўнггида ёшлар ўртасида миллий кадриятларимиз, бой маданий ва маънавий меросимизни тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар сони ва сифатини янада кучайтириш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

### САМАРҚАНД

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар шароитида фуқароларнинг сиёсий онги ва фаоллигини янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, айниқса, партия кўйи бўғинлари фаолияти самарали ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга.

— Маълумки, партия фаолияти самардорлигининг ошиши кўйи бўғинлар фаолиятининг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ, - деди ЎзМТДП Жомбой туман Кенгаши томонидан "Бошланғич партия ташкилотларини ривожлантириш — давр талаби" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида сўз олган партия туман Кенгаши қошидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси Шоира Мажидова. — Аммо бугун туманимизда кўйи бўғинларнинг барчаси ҳам самарали фаолият кўрсатаётти, деб бўлмайдми. Биз партиянинг асосий бўғини сифатида юқори органларга тақдирлар билан чиқишимиз, берилган ваколатлардан фойдаланиб аъзолар сонини кўпайтиришимиз, тарғибот ишларини янада жонлантиришимиз лозим. Тадбир сўнггида ЎзМТДП ғоя ва мақсадларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ қилишда фаол иштирок этган 6 нафар бошланғич партия ташкилоти етакчиси партиянинг фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

### СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Шўрчи туман Кенгашининг жорий йилнинг ўтган давридаги фаолияти якунлари ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур масала юзасида партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси М.Пардаев сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди: — Партияимиз дастурий мақсад ва вазифаларини кенг омма ўртасида тарғиб қилиш, аъзоларимиз сафининг кенгайтиришда тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Ўтган даврда туман партия ташкилоти томонидан жойларда 43 та тадбир ташкил этилди. Маълумки, партияимиз дастурий мақсад ва вазифаларини кенг омма ўртасида тарғиб қилиш, аъзоларимиз сафининг кенгайтиришда бундай тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Йиғилишда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг маърузалари тингланди.

Шунингдек, йиғилиш кун тартибидида масалалар муҳокама қилиниб, иккинчи ярим йилликдаги фаолиятнинг асосий йўналиш ва мақсадлари белгилаб олинди.

Тадбирда партия Шўрчи туман Кенгаши фаоллари, ЎзМТДПдан сайланган туман Кенгаши депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" фаоллари, ижодкор ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

### ФАРҒОНА

Маълумки, истиқлол йилларида юртимизда аёллар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг жамиятда муносиб ўринларини топишлари, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. ЎзМТДП Марғилон туман Кенгаши "Аёллар қаноти" ва ҳамкор ташкилотлар томонидан жорий "Обод турмуш йили"га бағишлаб "Турмуш ободлигида хотин-қизларнинг ўрни — энг муҳим масала" мавзусида ўтказилган тадбирда ҳам айнан шу масалага эътибор қаратилди.

Унда ЎзМТДПдан туман Кенгашига сайланган депутатлар, партия шаҳар Кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда "Ёшлар қаноти" аъзолари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Ипакчи" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Аёл маънавияти, ахлоқи ҳаётимиз турмуш-тарзини кўрсатиб турувчи ойнадир, - деди тадбирда сўз олган партия шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари У.Ғофурова. — Таъкидлаш ўринлики, истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи беқиёс даражада ортди, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу боис ўтказилаётган анжуман ва тадбирларда хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шахзод ҒАҒҒОРОВ,  
«Milliy tiklanish» мухбири

## Партия лойиҳаси

# ЎзМТДПнинг зукко хотин-қизлари

"Аёллар қаноти" лойиҳасида юксак билим ва иқтидор соҳибалари кашф этилмоқда



Шу кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Аёллар қаноти" томонидан аъло вақтларда ўтказиб келинаётган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда. Партиянинг йирик лойиҳаларидан бири ҳисобланган мазкур кўрик-танлов ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, юксак билим ва малакага эга бўлаётган хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий ташаббусларини рағбатлантириш, сиёсий етук аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

"Донолик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг Андижон вилоят босқичи иқтидор ва билимлар синовига айланди. Тадбирни партия Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси К.Отахонов кириш сўзи билан очиб, куйидагиларга тўхталиб ўтди:

— Истиқлолнинг 22 йиллиги кенг нишонланаётган бир пайтда партияимиз "Аёллар қаноти" ташаббуси билан ташкил этилган "Донолик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг Андижон вилоят босқичи ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, вилоятимиздаги ЎзМТДП аъзолари сонининг 50 фоиздан ортиғи хотин-қизлардан иборат. Шундай экан, танловнинг Республика босқичида қўлағи кўриштириш имкониятимиз кенг. Уйлаймизки, бу йилги кўрик-танловда партияимиз гояларига содиқ, жамиятда ўз ўрнига эга, миллий гуруру ва миллий истиқлол гояларини қалбига жо этган ёшларимиз, хотин-қизларимиз иштирок этишмоқда. Ҳақиқий иқтидорлар эса ушбу танловда сараланади.

Кўрик-танловнинг доно ва ташаббускор иштирокчилари хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, улар учун яратиб берилаётган шароитлар, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда хотин-қизларнинг иштироки, Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқсоқиллик мустақиллик шарофати эканлигини ўз чиқишларида намоён этдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосасига кўра, ЎзМТДП Андижон шаҳар Кенгаши вакили Гулнорахов Валихонова ғолиб деб топилди.

Гулнорахов ВАЛИХОНОВА,  
кўрик-танлов ғолиби:

— Кўрик-танловнинг Низоми билан танишар эканман, унда иштирок этишни ва, ал-

батта, ғолиб бўлишни ният қилган эдим. Бугун беҳад хурсандман, боиси "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлдим. Бугунги танловда дугоналаримдан ўрганганларим ҳамда бор куч ва маҳоратимни ишга солиб, кўрик-танловнинг Республика босқичида ҳам фахрли ўринларни эгаллайман, деб ишонч билдираман.

— Юртимизда муваққилликка эришган дастлабки йиллардан хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидлаш жоизки, - деди кўрик-танловнинг Тошкент вилоят босқичини кириш сўзи билан очган ЎзМТДП вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Мунира Қориева. — Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш, сиёсий, ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини кўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жамиятимиз ҳаётида хотин-қизлар роли тобора ошиб бормоқда-ки, бунга айниқса, сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" фаолиятида яққол кўришимиз мумкин.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оила институти янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, хотин-қизларни кўллаб-қувватлашни кучайтириш, баркамол авлод тарбиясида оиланинг ролини ошириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар жараёнида хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга янада кенгрок жалб этиш, уларнинг истеъдодини юзга чиқаришга қаратилган бу каби танловлар-

нинг аҳамияти беқиёс.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 12 нафар хотин-қиз ўз иқтидорини намоён этиб, билимларини синовдан ўтказишди. Ҳакамлар ҳайъатининг асосий баҳолагичи кўра, ЎзМТДП Уртағирчиқ туман Кенгаши вакиласи Дурдона Абдураҳмонова ғолибликка лойиқ топилиб, кўрик-танловнинг Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

ЎзМТДПнинг йирик лойиҳалари сирасига кирувчи мазкур кўрик-танловнинг Фарғона вилоят босқичи ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди. Тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Тўлқиной Тожиева мамлакатимизда хотин-қизларга яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Ўтган давримиз икки йиллик мустақил тараққиёт даври хотин-қизларга барча соҳаларда кенг имкониятлар яратди. Бугунги Ўзбек аёли оила бекаси, фарзандлар тарбиячиси бўлиш баробарида жамият тараққиётининг барча соҳа ва жараёнларида фаол иштирок этишга интиломоқда. Айниқса, хотин-қизларнинг сиёсий жараёнларга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Хусусан, ЎзМТДП "Аёллар қаноти" томонидан ҳар йили аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони» Республика кўрик-танлови жорий йилда ҳам вилоятимизнинг барча шаҳар, туманларида юқори савияда, байрамона кайфиятда ўтказилди. Ушбу тадбир орқали эса вилоятимиз хотин-қизлари орасида чинакам истеъдод эгалари кашф этилган кўнарали холдир.

Тадбир давомида иштирокчилар танлов Низомига кўра учта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Якунда Фарғона давлат университети магистранти, Зуфия номидаги Давлат муқофоти совриндори Дилнавозхон Қўлдошева 1-ўринни эгаллади ва Республика босқичига йўлланма олди.

Дилнавозхон Қўлдошева,  
кўрик-танлов ғолиби:

— Гузал ва жаннатиком юртимизда Давлатимиз раҳбари томонидан юксак билим, юқори малакага эга бўлган оқила ва доно

## Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# ҚУЙИ БЎҒИНЛАР

партия ташкилотларини ҳаракатлантирувчи куч

ров. — Ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмаганидек, саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ, бугунги кунда асосан ёшлардан иборат сафдошларимиз сони 260 нафардан ошди. Таъкидлаш жоизки, худудимиздаги кўпқабатли оилалар миллий хунармандчиликнинг турли йўналишлари билан шуғулланишди. Шу боис кўйи бўғин етакчилари ёшларни миллий хунармандчиликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, миллий хунармандчиликни оммалаштириш орқали "узтоз-шоғирди" аънаваларини давом эттириш мақсадида 20 дан ортиқ каштачилик, зардўзлик, гиламчилик, заргарлик, тикувчилик каби тўғараклар ташкил этилган. Уларда ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказиб, касб-хунар сирларини пухта ўрганиб келишмоқда.

Кўйи бўғин ўз атрофига сиё-

сий етук, фаол аъзоларни бирлаштирган. Халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда олиб борилган амалий саъй-ҳаракатлар натижасида 2 та автобус қатнови йўлга қўйилганлиги, ичимлик суви тармоқларининг янгидан ўтказилганлиги, шунингдек, йўл коммунал хизмати тармоқларининг таъмирланганлиги ҳудудда истиқолат қилаётган аҳоли учун қулайлик туғдирди.

Мазкур кўйи бўғинда партия дастурий мақсадлари тарғиботи ҳамда электрлот манфаатларини ифода этишга қаратилган қатор тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, интернет ва аудиовизуал махсулотлар орқали миллий ахборот маконига кириб келаётган ёшлар ва "оммавий маданият"дан

ёшларни асрашга қаратилган "Ёшлар ва оммавий маданият"га қарши курашда миллий гоянинг аҳамияти, "Миллий кадриятлар — миллий манфаатлар асоси", "Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда фуқаролик жамияти шаклланишида ёшларнинг ўрни", "Ўзбекистонда ёшлар сиёсати — мамлакатни янада ривожлантириш йўлида" каби тадбирларда хотин-қизлар ва ёшлар иштироки таъминланаяпти.

— Партия сайловолди Платформасида қайд этилганидек, маданий-тарихий ёдгорликларни кўз қорачиқидек асраш ҳар биримизнинг вазифамиздир, - дейди Н.Хидиров. — Тарихий масканлар ва муқаддас қадимжоларни келажак авлодга бусбутун етказиш ишига кўмаклашиш мақсадида бошланғич

партия ташкилотимиз фаолларининг амалий ташаббуси билан "Сармисшой" очик музей мажмуаларида, "Қалқонота", "Учтут" тарихий масканларида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ёшлар мунтазам партия ғоя ва дастурий тарғиб-ташвиқ қилиб, бизга яқиндан кўмак беришяпти. Миллий байрамларимизда, халқ сайилларида спорт мусобақалари ўтказилди. Ғолибларга партия томонидан фахрий ёрлик ва совғалар тақдим этилди. Барча тадбирларимиз партия аъзолари ташаббуси ва кўйи бўғин етакчилари ҳамкорлигида ташкилланаяпти. Бир сўз билан айтганда, кўйи бўғин аъзолари ташаббускорлик ва фаоллик асосида иш олиб боришни мақсад қилишган.

Тўмарис АбЗАМ,  
«Milliy tiklanish» мухбири

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ўзгариш ва ислохотлар изчиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларидаги фаоллигини оширишда мавжуд сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Бунда, айниқса, кўйи бўғинлар фаолиятини янада жонлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Навоий вилоятининг Навбахор туманида 109 та кўйи ташкилотга бирлашган 2840 нафардан зиёд сафдошларимиз партия дастури ҳамда сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этаёпти.

— Дастлаб 2009 йилда 9 нафар партия аъзоси билан иш бошлаганмиз, - дейди ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, бошланғич партия ташкилоти етакчиси Нормамат Хиди-



## Қадриятларимиз



## Миллий санъат намуналари

хунармандларимиз томонидан сайқал топиб бормоқда, бу эса соҳага берилётган эътиборнинг самарасидир

**Ватанимиз азал-азалдан ўзининг устаю хунармандлари, наққошу мусаввирлари билан дунёга машхур. Ўзбек усталари ва хунармандларининг ижод маҳсуллари Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳару мамлакатлар, хусусан, Европада ҳам юксак даражада қадрланган. Қўлигул хунармандларимиз ясаган буюмлар санъат асарлари даражасида юқори баҳоланган. Минг йиллардан буён дунё сайёҳларини ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келётган Самарақанду Бухоро, Хиваю Шаҳрисабз, Тошкенту Термизнинг улғур меъморий обидаларида қўлигул усталар, хунарманд ва мусаввирларимизнинг бетимсол ижод намуналари ўз аксини топган.**

Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”-ги фармонлари соҳа ривожига муҳим дастуриямал бўлмоқда. Зеро, юртимизда тарихий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш, миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш борасида қилинаётган эзгу сазй-ҳаракатлар ҳар қанча таҳсину эътирофга лойиқ. Айниқса, “устоз-шоғирд” анъанаси асосида санъат ва хунар сирларини эгаллаб, мамлакатимиз ҳамда жаҳон миқёсидаги нуфузли халқроқ тадбирларда бор маҳоратини намойиш этаётган, улкан ижодий муваффақиятларга эришяётган ёш хунармандлар сафи тобора кенгайиб бораётган. Ҳар йили хунармандларимизнинг турли-туман кўргазма, аукцион, кўрик-танлов ва фестивалларга қатнашиб келаятиган бунга мисол бўла олади. Бу эса хунармандларнинг тажриба алмашиши, ижод маҳсулотларини намойиш этишида, ўз қобилият ва маҳоратларини оширишида катта аҳамият касб этади. “Ўзбекистон халқ амалий санъати — дунё нигоҳида”, “Мустиқиллик нафасида камол топган хунармандлар”, “Навқирон Ўзбекистон”, “Қайта тикланган хунар”, “Ташаббус”, “Асрлар судоси”, “Bazar-Art”, “Ипак ва зираворлар” каби йирик тадбирларни ана шундай кўргазмалар сирасига киритиш мумкин. Мазкур тадбирларда мунтазам қатнашиб, ижодини намойиш қилиб келаятган бир гуруҳ ёшларга мурожаат қилдик.

Биз момоларимиздан мерос қолган хунаримиз ортинда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйдик, - дейди шаҳрисабзлик Сожида Мўминова. — Ҳозирги кунда 30 нафардан зиёд шоғирдим бор. Бугун уларнинг аксарияти мана шундай нуфузли тадбирларда ўз ижодини намойиш қилапти. Қолаверса, миллийлик ва замонавийликни ўзида уйғунлаштирган маҳсулотларимиз бугун Европанинг нуфузли музейларида, шахсий коллекцияларда сақланмоқда. Айниқса, сўзана, дўппи, пойабзал каби буюмлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Жорий йили ўтказилган “Bazar-Art. Баҳор — 2013” 12-кўргазма ярмаркасида маҳсулотларимиз оддий харидордан тортиб, мутахассису ҳамкорлар эътиборига тушди.

Бухоролик Обиджон Нарзуллаев — Ғиждувон кулолчилик мактабининг еттинчи авлоди вакили. У бугунги кунда ўз иқтидорини ва салоҳиятини юртимиз миқёсидаги кўргазмалардагина эмас, балки нуфузли халқроқ тадбирларда ҳам ёрқин намойиш этмоқда. Ёш хунарманд миллий анъаналар асосида кўзагарликни қайта тиклаш, сопол идишлардаги нақшлар композициясини янада бойитиш борасида изчил изланишлар олиб бораётган.

— Айни пайтда Ғиждувондаги қадимий устахонада 6 нафар шоғирдим билан меҳнат қилаяпмиз, - дейди Обиджон. — Айтиш кераки, юртимизда биз каби ёш хунармандларнинг эркин ижод қилиши, мавжуд имтиёз ва имкониятлардан баҳраманд бўлиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Ана шундай юксак эътибор туфайли кейинги йилларда юз килдан зиёд маҳсулотларимизни бозорга олиб чиқишга муваффақ бўлдик. Ишимизни янада ривожлантиришга турли кўргазма ва танловларнинг ҳиссаси катта бўлапти.

Сурхондарёлик Маржона Исमतова момосидан каштачилик, дўппидўзлик ва қизларнинг ҳуснига хусн қўшадиган чиройли жамалаклар тўкиши сирларини мукамал ўрганган. Маржона момосининг уйда ўрнатилган чимилдиқбоғлар ҳамда жамалаклар учун йиғириладиган дастгоҳни ҳам моҳирлик билан бошқаради. Ўзи тиккан чиройли дўппилар, кашта ва чимилдиқбоғлар билан “Келажак овози” кўрик-танловига иштирок этиб, голиб бўлди. Маржонанинг орзулари бир олам. У келгусида миллий хунармандчилик корхонасини ташкил этиб, кўплаб маҳалладошларини иш билан таъминлаш ниятда.

\*\*\*

Миллий хунармандчилиги бугун дунё кўргазмаларида ҳам эътироф этилмоқда. Жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги дипломатик ваколатхонасида “Ўзбекистон ёғоч ўймакорлиги санъати” кўргазмаси намойиш этилиб, унда айвон, хонтахта, ўйма



(Ў.А. олаги суратлар.)

минарларда 237 нафарга яқин хунарманд ва оилавий тадбиркорларга 6 миллиард 973 миллион сўмдан ортқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида жойларда 600 га яқин янги иш ўрни яратилишига эришилди.

**Азамат ҚОСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти мудири ўринбосари:**

— “Обод турмуш йили” давлат Дастурида 2013 йилда касаначиликнинг барча шакллари ташкил этиш ҳисобига 218,4 минг янги иш ўрни яратиш назарда тутилган. Бунинг учун банклар томонидан оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик субъектларига 110,1 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиши белгиланган. 2013 йилнинг 1-чораги давомида Ўзбекистон банклар томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар ошиб, 1,6 триллион сўмини ташкил этади. Айни пайтда жами молиявий хизматлар таркибига бевосита банк хизматларининг улуши 87,1 фоизни ташкил этаётгани бу борада изчиллик билан амалга ошириляётган ишлар қўламининг нақадар кенглигини кўрсатиб турибди.

— Болалигимдан атлас тўқиша қизиққанман, дейди Маргилон шаҳар Банк коллежи битирувчиси Ойдинхон Қосимова. - Кўпдан бери ўз мустақил тўқимачилик фаолиятини йўлга қўйишни режалаштириб юргандим. ЎзМТДП лойиҳаси мен учун айти мундоо бўлди. Лойиҳа ташкилотчилигага ўз бизнес режамни тақдим этдим ва 5 миллион сўм миқдоридagi имтиёзли кредит олиш учун сертификатни кўлга киритдим. Бу биз ёшлар учун ўз қизиқишларимиз бўйича касбга эга бўлишимиз, мустақил фаолиятимизни бошлаш ва шу орқали оиламиз бюджетини шакллантиришда кенг имконият беради.

**Дилфуза РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири**

## Обод гўша

# БУХОРО ҲОВУЗЛАРИ

**Бухорода азалдан сув қадри баланд бўлган. Унинг ҳар бир қатрасини асраб-авайлаш учун ҳовуз қазанлар. “Ҳовуз” — сув уйи дегани. Сув уйларининг илк кўринишлари қудуқсимон айлана шаклида бўлганлигини тарихий рисолалар тасдиқлайди.**



Атрофлари пишган лой билан шуваб ҳам чиқилган. Сув ерга тез сингмаслиги учун шундай қилинган. Кейинчалик ҳавзи тахталар урфа кирган. Бу ҳам сувни узоқ муддат сақлаш учун хизмат қилган. Аста-секин ҳовузалар айлана эмас, тўртбурчак шаклга эга бўлиб, тўрт томони ва ости йўнилган ёғоч тахталар билан оройишланган. Тарновлари ҳам тол, терак ва тут дарахти ёғочидан қилинган. Бунда ҳам ҳовузни тозалаш осон кечган, ҳам сув шимилишининг олди олинган. Даҳа, қалъа, кентларда ҳавзи тахталар урф бўлган. Бунинг муҳаммад Авфини Бухорий ҳам ўз ҳикоятларида баён этади. Ёғоч қақмаги қилинган билан бабириб ёғоч-да, тош эмас. Вақти келиб тоштарошлик санъати ривожланган ҳавзи тахталар ўрнини ҳавзи сангин (тошҳовузалар) эгаллади.

Харсангошлар йўнилиб, ҳовузарнинг ости ва тўрт томонига териб чиқилган, пилла-поя ва тарновлар ҳам мустаҳкам оҳақтошдан ясалган. Сув

ҳавзаси ана шундай йўл билан узоқ вақт халқ хизматида бўлган.

Бухоро шахрстонида тошҳовузалар сони 103 та бўлган. Фошун, Мўлиён, Шоҳруд ариқларидан сув олган ҳовузалар шаҳар аҳлини оби ҳаёт билан таъминлаган. Шу билан бирга ёзининг иссиқ кунларида ҳавонинг салқин бўлишига ҳам хизмат қилган. Ҳар бир гузар, кўча, даҳа, мавзёларнинг энг кулай бағрида сув ҳовузлири, улар ёнида масжид, ҳаммом, минор ё минорча қад ростлагани Бухоро ўзига хос шаҳарсозлик анъаналарига эга бўлганлигидан далолат беради.

Бухоро шахрстонида 1878 йилдаги тарҳида бир қанча ҳовузалар бўлганини кўриш мумкин: Ҳавзи ойи, Ҳавзи шиша, Ҳавзи бодом, Ҳавзи Ҳожа Рангрез, Ҳавзи Мирдўстим, Ҳавзи Ойбинок... Номлаштириш эътибор қаратинг: Ҳавзи Ойбинок - Ой биби (қайнона)ли келин та-

шаббуси билан қазилган ҳовуз, деган маънони аниқлатади.

Ҳожа Зайниддин ҳовузининг тарихи ҳам ғаройиб. Шу ердаги ҳовилардан бирида Имом Ал-Бухорий туғилган. Буюк муҳаддиснинг ота уйи айнан шу ерда бўлганини тарихий китоблар ҳам тасдиқлайди. Абдуллоҳон даврида махсус фармонга мувофиқ ана шу ҳовилар ўрнида ҳовуз қазилган. Буюк муҳаддис киндик қони тўқилган замин табаррук саналган. Ана шу масканда табаррук сув маҳзани - ҳовуз қазилган унга ўзгача файз киритгани шубҳасиз.

Бироқ, бугун фақат Лаби Ҳовузда сув бор. Агар шаҳарнинг кўрқига кўрқ, файзига файз қўшган, иқлимнинг муътадиллигини таъминловчи ҳовузалар қайта тикланса, нур устига нур бўларди.

**Маннон ОТАБОЙ, “Milliy tiklanish” мухбири**

## Анжуман

# Мақсад таълим сифатини ошириш

**Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги томонидан “Таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан тизимли равишда таъминлаш масалалари, дарс жараёнига ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш борасида белгилашган устувор йўналишлар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Унда Халқ таълими вазири У.И.Иноят, Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори О.Юнусов, вазирликнинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, халқ таълими тизимида жами 15730 та, жумладан, 9765 та мактаб, 4962 та мактабгача таълим муассасаси, 211 та “Баркамол авлод” болалар маркази, 299 та мусиқа ва санъат мактаби, 445 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 27 та меҳрибонлик уйи, 16 та педагог кадрлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, 6 та педагогика институтини фаолият кўрсатмоқда. 2013-2014 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1-, 4-, 6-, 7-синф ўқувчилари учун чоп этилиши режалаштирилган жами 392 номдаги 22 533 772 нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланма тўлиқ чоп этилиб, жойларга етказилди. Бундан ташқари, айрим дарсликларнинг электрон версияси Халқ таълими ва-

зирлигининг www.uzedu.uz сайтидан жой олган.

Маълумки, янги ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари инглиз тилини ўргана бошлайди. Анжуманда ана шу мақсадда чоп этилган “Kids’ English” инглиз тили дарслиги ҳамда унга қўшимча равишда ўқитувчи ва ота-оналар учун мўлжалланган 446 084 нусхадан иборат қўлланма хусусида ҳам сўз борди. Шунингдек, 2013-2014 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинган ўқувчиларга “Президент сиваси” тантанали равишда топширилган, умумтаълим мактаблари замонавий ўқув компьютер синфлари ва электрон доскалар билан таъминлангани алоҳида таъкидланди.

Анжуман иштирокчилари журналистларнинг саволларига жавоб бераётган экан, вазирлик томонидан таълим сифатини ошириш мақсадида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг фанлар бўйича билимлар бешлашуларини ташкил этишнинг тўрт босқичли (мактаб, туман, вилоят ва республика) механизми

ишлаб чиқилгани ва амалиётга кенг жорий этилганини қайд этдилар. Тадбир давомида 2012-2013 ўқув йилида республика бўйича 9 та ўқув фанидан ўтказилган таълим сифати мониторингинг натижалари эълон қилинди. Унга кўра, ўзлаштиришнинг умумий самарадорлиги бўйича нисбатан юқори кўрсаткиччи Бухоро (55,9%), Навоий (55,4%), Хоразм (55,1%) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (54,9%) кўлга киритган.

Қолаверса, анжуманда бугунги кун ўқитувчисининг ахборот коммуникация технологияларида (АКТ) бемалол фойдалана олиши ва бу борада қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам ўртага ташланди. Шу маънода, 2011-2012 йилларда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг АКТдан фойдаланиши самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган махсус ўқув курси кутилган натижаларни берган ва бунинг натижасида таълим жараёнида АКТдан фойдаланиши самарадорлиги янада ортган.

Тадбир сўнгида соҳа аниқликларини кенг жамоатчиликка етказишда Халқ таълими вазирлиги ва ОАВнинг ижодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш борасида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

**Зафар МУХАММАД, “Milliy tiklanish” мухбири**

## Кўргазма

# «Фетиш»

санъатга янгича ёндашув

**Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамгармаси, “IJOB” Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари уюшмаси ташкилотчилигида рассом Ассад Гаджиевнинг “Фетиш” деб номланган илк кўргазмаси очилди.**

Ассад Гаджиев 1974 йилда туғилган. Болалигидан рақс чизишга қизиққан. Соҳаси бўйича махсус таълим олган бўлса-да, ўзининг ижодий салоҳиятини мустақил тарзда ривожлантириб, рассом сифатида иқтидорини намойиш эта бошлаган. Унинг қобилияти, бадиийлиги чуқур ҳис қилиши эътибордан четда қолмади. Жаҳонга машҳур “Кеа” бренди уни рассом-дизайнер сифатида ҳамкорликка чақирди. Бир неча йил мобайнида Испанияда яшаб, ижод қилди. 2005-2007 йиллар мобайнида у мазкур компания учун уй жиҳозлари ҳамда интерьер буюмлари дизайни бўйича янги лойиҳалар устида ишлади.

2011 йилда Ассад Гаджиевнинг ҳаётида, қарашларида туб бурилиш содир бўлди. Ўзининг қарашларини, турмуш тарзини ўзгартиришга қарор қилди. Унинг ўзи қисқа қилиб: “Мен ўзимни бутунлай ижодга бағишлаш учун ўз вақтимни “айирбошладим”, аниқроғи, қайтариб олдим” дейди.

Рассом мана икки йилдирки, ўзининг қарашларини маҳорат билан тасвирга тушириб асарлар яратиш келмоқда. Уларни яратишда эса рўшқа, кофе ва қоғоздан фойдаланади. Рассомнинг бундай ноанъанавий техникани танлагани беҳиз эмас. Бундан бир неча йил илгари иш юзасидан пойтахтимиз кафеларидан бирида ўтказилган учрашувда бехосдан кофега қоғозга тўкиб юбради. Қоғозда кофе қолдирган абстракт из, ижод завқи билан яшаётган собитқадам Ассаднинг эътиборини тортади. Қоғозда ҳосил бўлган шаклни рассом рўшқа билан “тўлдирди” бошлади. Шу тарика рассомнинг ўзига хос услуби вужудга келди.

Кўргазмага рассомнинг 50 га яқин асарлари қўйилган бўлиб, уларда портретлар ва бошқа бадиий воситалар билан инсон руҳияти, турмуш тарзининг айрим қирралари, эзгулик ва ёвузлик, мунофиқлик, ҳаёт фалсафаси, ҳаётдаги зиддиятлар, муаммолар тасвирланган.

Кўргазма жорий йилнинг 19 сентябргача давом этади.

**Ҳ.АБДУНАЗАРОВ**



## Бизнинг шарҳ

# БУЮК БРИТАНИЯ ПАРЛАМЕНТИ

Ўзига хос анъаналарга эга



**Буюк Британия парламенти бой ва узоқ тарихга эга. Мамлакатда икки палатали парламент фаолият олиб бораётган бўлиб, қонун чиқарувчи олий идораси юқори — Лордлар ва куйи — Вакиллар палатасидан иборат. Ҳозирги кунда Бирлашган қироликда 659 та округ мавжуд бўлиб, булар Англияда 529, Шотландияда 72, Уэльсда 40, Шимолий Ирландияда 15 тани ташкил этади.**

14 та кўмитадан иборат Вакиллар палатасида 650 нафар депутат фаолият юритади, Лордлар палатасида 674 аъзо фаолият юритади. Куйи палатада ҳар бир депутат 5 йилга сайланса, бундан фарқли равишда Лордларнинг фаолияти мuddатсиз. Парламент пэрлари, яъни Лордларнинг аксарияти аслзодалар эканини назарда тутсақ, амалдаги ва аввалги лордлар орасида 1 минг 195 нафар герцог, маркиз, граф, виконт, баронлар борлигига гувоҳ бўлаемиз.

Буюк Британия қонунчилигида хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига кенг ўрин берилган. Хусусан, 1958 йилдан бошлаб аёллар умрбод пэресаликка қўйила бошланган. Шунингдек, "Лордлар палатаси тўғрисида"ги қонун қабул қилинган, хотин-қизларга юқори палатада ишлаш ҳуқуқи берилди. Айни пайтда эса Баронесса Францис Д.Соуза 2011 йилнинг 1 сентяб-ридан Лордлар палатасининг спикери сифатида фаолият юритиб келмоқда. Маълумотларга қараганда, ҳозир Вакиллар палатасида 42 нафар аёл депутат фаолият юритаётган.

Парламент аъзоси бўлишга интилаётганлар бир неча округдан ўз номзодини кўрсатиши мумкин. Мабодо, улар маз-

кур худудларда етарли миқдорда овоз тўплаб, ғалаба қозонса, парламентга бир hafta мuddат ичида қайси округда иш юритиши ҳақидаги маълумотни тақдим этиши шарт.

Буюк Британия сайлов тизими бошқа мамлакатлардагидан тўдан фарқ қилади. Туманли альбионда ҳатто сайлов кунини ҳам номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари тарғибот-ташвиқот ишларини тўхтатишмайди. Яна бир эътиборли томони, сайлов участкаларида кузатувчилардан ташқари, сайловчилар сонини ҳисоблаб борувчи партия кўнгилчиларини ҳам кўриш мумкин. Улар ўз тарафдорларини овоз беришга ундаса-да, бироқ уларга овоз бериш жараёни ўтаётган бинода киришга руҳсат берилмайди. Ҳар бир фуқаронинг сайлов участкасига келиши шарт эмас, почта ёки ишонч қозони орқали ҳам ўзи танлаган номзодга овоз бериши мумкин.

Парламент иборасини қўллаганда, одатда икки палатали иборани назарда тутамиз. Британларда Вакиллар палатасига юқори мавқега эга бўлиб, айнан уларни парламент аъзолари деб ҳисоблашади. Чунки ҳукумат фақат Вакиллар палатасига ҳисобот беради ва улар назоратидадир. Парламент аъзолари ваколати тугагач, 30

кун ичида янги сайлов ўтказилади, Лордлар палатаси эса бундан мустасно.

Буюк Британия ҳукумати парламентга ҳисобот берса-да, бош вазир, ҳукумат аъзолари Вакиллар палатаси томонидан сайланмайди. Қиролича сайловда энг кўп овоз тўплаган ҳуқуқдор партиядан янги ҳукуматни шакллантириш ҳақида топшириқ беради. Хуллас, бош вазир ва вазирлар кенгашининг кўпчилиги аъзолари лордлардан эмас, балки Вакиллар палатасидан танлаб олиниши одатга айланган. Лорд Алекс Дуглас Хьюм 1963 йил ҳукумат раҳбарлигига лойиқ қўрилганидан сўнг, аънағана риюя қилган ҳолда пэрликдан воз кечиб, Вакиллар палатасига ўтади.

Британияда 18 ёшга тўлган фуқарога овоз бериш, 21 ёшдан катта бўлганларга сайланиш ваколати берилган. Сўнгги маълумотларга қараганда, қиролликда 44 миллиондан ортиқ аҳоли шундай аҳоли овоз бериш ҳуқуқига эгадир. Қиролича, қироллик оиласи овоз бериш ҳуқуқига эга бўлса-да, бундан фойдаланиши эп қўришмайди. Давлат хизматчилари, ҳусусан, судьялар, вазирлик ходимлари, дипломатлар, қирол кучлар вакиллари, руҳонийлар, жазони ўташ муассасасида сақланаётган маҳбуслар,

руҳий носоглом фуқаролар сайланиш ҳуқуқидан маҳрумдир. Мабодо нолийк шахслардан бирортаси сайланиб қоладиган бўлса, мазкур округдаги сайлов натижалари бекор қилиниб, қайтадан сайлов ўтказилиши даркор.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, Буюк Британия сайловида ўртача 2300-2500 нафар кишининг номзоди қўйилиши одатий ҳолга айланган. Сайлов жараёнида номзод тегишли идорага 10 та имзо қўйилган номинация ҳужжати тақдим этгач, 500 фунт-стерлингга гаров пулини тўлаши керак. Сайловда беш фоизлик марра эгалланмаса, гаров пули қайтарилмайди. Қонунга мувофиқ, ҳар номзод ўз ёнидан 3 минг 370 фунт стерлинг ва яна графликдаги сайлов округида ҳар бир сайловчи учун 3 фунт 8 пенс, шаҳар округида эса 2 фунт 9 пенсдан сарфлайди. Бегона шахсларнинг сайловолди кампаниясида номзодни моддий томондан қўллаб-қувватлаши таъқиқланган. Шунингдек, Қиролликда сиёсий партиялар Германия, Швеция, Финландия каби гарб мамлакатларидек давлат томонидан маблағ билан таъминланмайди.

Ҳар галгидек сайловда асосан икки сиёсий партия - Консерваторлар ва Лейбористлар партияси ўртасида кураш боради. Либераллар, социал демократлар, Алстер миллат, Шинн Фейн, Шотландия миллат партиялари Вакиллари палатасидан ўнлаб уринларни қўлга киритган. 2010 йилдаги парламент сайловларида консерваторлар нисбатан кўп - 306 та мандатга эга бўлишди. Бу бир партияли ҳукуматни шакллантириш учун камлик қилди. Шу сабабли ҳукумат коалицияси тuzилди ва унга иккита партия киритилди: консерваторлар ва Либерал демократлар. Бош вазир этиб Дэвид Камерон тайинланди, унинг уринбосари сифатида эса Ник Клегг танланди. Консерваторлар 2010 йилдаги сайловлар учун номзодлар рўйхатини тuzишда худди бошқа партиялар каби диққатни тенглик ва хилма-хилликка қаратди. Улар партия сафида аввало

аёллар ва этник ҳамда бошқа кам сонли гуруҳлар вакиллари бўлишини таъминладилар. Айни вақтда ижтимоий сўров натижаларига кўра, консерваторлар 35-41 фоиз овозга эгалар.

Лордлар ва Вакиллар палатаси кўна, бир вақтлар қиролу, қиролчалар яшаган Лондондаги Вестминстер саройида иш юритади. Ҳар бир сессия одатда бош вазир томонидан тайёрланган дастур асосида қиролчи маърузаси билан бошланиши қонунда белгилаб қўйилган. Спикер юқори мавқега эга бўлгани учун унга депутатлар "Мистер спикер" дея мурожаат қилишади. Сиёсий арбоб спикерликка тавсия этилганидан сўнг, у ўз партиясидаги фаолиятини тўхтатиши керак. Баҳс-мунозараларга аралашмаслиги ва турли саволлар билан вазирларга юзланмаслиги лозим. Овоз бериш натижалари тенг бўлиб қолганда, ўз муносабатини билдириб, у ёки бу партия фойдасига ҳисса қўйиши ҳолатлари бўлиб туради. Спикер сессияда муҳолифат тарафдорларининг фикрини ҳам ҳисобга олишга мажбур. Ҳукумат аъзолари ҳам илгари сурилган тақлифларни инobatта олади ёки рад қилади.

Қонун чиқарувчи олий идорада ўзига хос қоид ва қонунлар мавжуд. Ҳар бир палата имтиёзга эга, тартиббузарлар қилмишига яраша жазоланиши қонунда кўрсатиб ўтилган. Иккала палатада баҳс-мунозаралар чоғида сўз эркинлиги таъминланган. Шу сабабдан, улар устидан тергов ишлари олиб борилмайди ёки суд қилинмайди. Фақатгина давлатга хиёнат қилган, оғир жиноятга қўл урганлар эса депутатлик дахлсизлиги мақомидан маҳрум этилади. Мабодо бир депутат жиноятга қўл урса Вакиллар палатаси парламент сессияси тугагач (120-160 кунгача давоми) гумон қилинаётган депутатни дахлсизлик мақомидан маҳрум қилади. Жорий йилнинг июнида Лордлар палатасининг уч нафар аъзоси коррупцияда айбланиб, ўз лавозимига нолийк деб топилганди.

Азимжон ПҮЛАТОВ

- Буюк Британия парламентида авлоддан авлодга ўтувчи қарийб 800 нафар пэр ва пэресалар фаолият юритган бўлиб, шундан 360 нафари умрбод ишлаш ҳуқуқига эга бўлган.
- Парламентарийларнинг қарийб 80 фоизи олий маълумотли бўлиб, улар орасида 21 ёшдан тортиб, 60 ёшгача бўлган сиёсатчилар бор.
- Ҳукумат Вакиллар палатасининг ишончини оқлай олмаган тақдирда бош вазир истеъфога чиқшига мажбур ёки парламентни тарқатиб, янги сайлов ўтказиш тақлифи билан қиролчиға мурожаат қилади.

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## АҚШда авиаҳалокат

**Тарқатилган маълумотларга қараганда, Airbus A300 юк ташувчи самолёти Алабама штатининг Бирмингем шаҳри аэропортида ҳалокатга учраган.**

Оқибатда икки кишидан иборат самолёт экипажи ҳалок бўлган. Луисвиллдан учиб келаётган лайнер аэропорт яқинидаги бўш жойда кулаган. Ҳалокатга учраган самолёт почта компаниясига тегишли бўлган. Айни пайтда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.



## Соҳадаги рақобатчилар

**"Samsung Electronics" компаниясининг 2013 йил III-чорадаги фойдаси 9,15 миллиард евродан ошиши мумкин.**


Тарқатилган маълумотларга кўра, "Samsung"нинг шу йил июль-сентябрь ойидаги савдолари ҳажми тахминан 55 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда. Июль ойида "IDC" тадқиқот компанияси "Samsung Electronics" илк бор соҳадаги рақобатчиси бўлган "Apple" компаниясини бозордаги смартфонлар улушининг ҳажми бўйича ортда қолдирганини маълум қилганди. Кайд этиш жоизки, ҳозир смартфонлар бозорида "Samsung"нинг улуши 30,4, "Apple"ники эса 13,1 фоизни ташкил этмоқда.



## 555 мингта автомобиль

**Япониянинг "Toyota Motor" компанияси АҚШ, Япония ва Европадаги қарийб 370 мингта автомобилни қайтариб олмақда, дея хабар беради "Reuters" ахборот агентлиги.**

Бунга автомобиллардаги двигател элементлари билан боғлиқ муаммолар сабаб бўлган. Ҳозирга қадар аниқланган носозликлар туфайли бирор бахтсиз ҳодиса ёки жароҳатланишлар кайд этилмаган. Шунга қарамай, компания томонидан ўтказилган навбатдаги тадқиқотдан сўнг шундай хулосага келинган. "Toyota" июль ойи бошида ҳам дунё бўйлаб 185 мингта яқин автомобилни қайтариб олиши ҳақида маълум қилганди. Бунга гидрокучайтиргичли рул бошқаруви тизимидан аниқланган носозликлар сабаб бўлган.



## Ҳамроҳ пароллар

**"Google" компанияси энг осон пароллар рўйхатини эълон қилган.**

Ўнтаклик кўра, уй ҳайвонлари лақабларига қўйилган пароллар энг ёмон ҳимоя воситаси, деб тан олинган. Иккинчи ва учинчи ўринларни муҳим сана ва оила аъзоларининг туғилган кунларидан иборат пароллар эгаллаган. 4-5 ўринларда эса фарзандлари исмлари жой олган. Муваффақиятсиз пароллар рўйхатига туғилган жой, байрам номи, сеvimли спорт жамоаси билан боғлиқ сўз ва муҳим номи ҳам киритилган. Энг осон пароллар ўнтакликка "парол" сўзининг ўзи яқун ясайди. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда кўпчилик одамлар интернетдан доимий фойдаланмоқда. Натижада улар ўзлари учун осон, доимий фойдаланадиган ёки ҳамроҳ сўзларни парол сифатида ишлатишни маъқул қўришмоқда.

Интернет хабарлари асосида  
Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади

## Рангин дунё

**Япониянинг Осака кўрфазидagi халқаро Кансаи аэропорти - дунёдаги ягона сув устига қурилган аэропорт ҳисобланади. Уни шубҳасиз, XX аср мўъжизаси дейиш мумкин. Аэропорт 1994 йили қуриб битказилган. Ўзига хос футуристик дизайнга эга аэропорт биноси сунъий оролда бунёд этилган. Унинг узунлиги 1,7 километрни ташкил қилади.**

Сунъий орол ва аэропортни қуришда энг сўнгги замонавий технологиялардан фойдаланилган. Кансаи аэропортининг денгиз сувларида барпо этилиши билан боғлиқ бир неча сабаблар бор. Биринчидан, катта аэропорт учун шаҳар атрофидан жой топиш амримаҳол эди. Иккинчидан, денгиз сувлари самолётлардан таралаётган шовқин даражасини имкон қадар пасайтириши кўзда тутилган. Кансаи аэропорти Хонсю оролидан 5 км. узоқликда жойлашган. Шу боис, аэропорт 24 соат мобайнида одамларни безовта қилмасдан фаолият юритиши мумкин. Самолётлар эса денгиз сатҳи узра кўтарилиб кўнишади.

Аэропортни сунъий орол устига қуриш госясини кўтариб чиққан муҳандислар узунлиги 4 км., кенглиги 1,25 км.лик орол лойиҳаси устида ишлаб бошлади. Дастлаб, сузиб юривчи орол госяси ўртага ташланди. Бироқ, лойиҳа кўп маблағ та-

лаб қилгани, устига-устак хавфсизлик талабларига мутлақо жавоб берагани боис рад этилади. Кўп изланишлар ва ҳаракатлар натижасида узоқ кутилган замонавий, ҳар томонлама мустаҳкам орол лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Иншоот 5 йил ичида қуриб битказилди. Аввало, Осака кўрфазининг 20 метрлик туби кум ва тупроқ билан тўлдирилди, усти эса шағал билан қопланди. Орол устидаги шағал вақт ўтиши билан тош бошиб, денгиз тубидаги сувларни сиқиб чиқарди. Натижада, орол янада мустаҳкам асосга эга бўлди. Баржани аниқ керакли жойга келтириш учун компьютер ва сунъий йўлдошлардан ҳам фойдаланилди. Ниҳоят, улкан пўлат ром орол параметри бўйича чўктирилиб жойлаштирилди. Энди оролни қуриш учун моҳир муҳандис керак эди. Шундан сўнг, лойиҳа муаллифлари муҳандислар ўртасида танлов эълон қилишди. Танлов голиби деб

# Кансаи аэропорти



Париждаги машҳур Помпиду маркази муаллифларидан бири Ренцо Пиано топилди.

Аэропорт қурилиши орол яратилиши тугалланмасданок бошлаб юборилди. Пяно компанияси авиайўловчилар учун узунлиги 1700 метрлик кулай ва кенг бино қуришга киришди. Бинонинг марказий қисмини самолёт қаноти шаклида ишланган улкан томли тўрт қаватли бино ташкил этади. Компьютерлар узлуksиз равишда 900 та устуннинг ҳар бирини баланглиги бўйича назорат қилиб боради. Чунки орол яна бир неча йил давомида чўкиши мумкин эди-да. Кансаи аэропортида бор-йўғи бир кўниш ва учини йўлаги мавжуд. Шундай бўлишига қарамасдан, ундан бир йилда 160000 са-

молёт ва 25 млн. йўловчи кўнади ва учади.

Ҳисоб-китобларга кўра, Кансаи аэропорти қурилиши учун 20 миллиард АҚШ доллари сарфланган. Мазкур маблағнинг каттагина қисми сунъий оролни ҳосил қилиш ишларига кетди. Сабаби, оролнинг кум ва тупроқ қатламида чўкиш даражаси ҳадеганда тўхтамайди. Табиийки, аэропортнинг бу камчилиги мутахассисларнинг қаршиликига учраган. Шунга қарамай, лойиҳа муаллифлари ишни тўхтатишмади. Ҳозирда Кансаи аэропорти улкан техник ютуқларга эришиб баробарида, меъморий мўъжиза сифатида ҳам эътироф этилмоқда. Айтиш жоизки, аэропорт нуфузли халқаро мукофотларнинг аксария-

тини қўлга киритган.

Дунёда улкан иншоотлар жуда кўп. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам коинотдан қўриनावермайди. Кансаи аэропорти Буюк Хитой деворидан кейин коинотда қўриниб турувчи иккинчи иншоот ҳисобланади. Қолаверса, тиниб-тинчимас япон муҳандислари аэропортни доимий равишда замонавий технологиялар билан бойитишдан асло чарчамайди. Айниқса, аэропорт ходимлари ва йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида хизмат кўрсатувчи роботлардан унумли фойдаланилади.

2001 йили Американинг муҳандис-қурувчилар жамяти (ASCE) Кансаи аэропортини энг зўр меъморий иншоотлар ўнтаклигига киритди. ASCE бинони баҳолашда нафақат унинг ди-



зайни, балки техник жиҳатлари, экологик ва ижтимоий омилларини ҳам ҳисобга олган. Шу маънода айтиш мумкинки, Кансаи аэропорти дунёнинг замонавий мўъжизаси эканини яна бир қарра исботлай олди.

**Зафар МУХАММАД**

Маданият  
хабарлариФестиваль  
олдидан

Шу йилнинг 18-20 сентябрь кунлари Тошкентда Ўзбекистон спорт кинеси ва телевидение федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида "Спорт кино ва телевидениеда" VIII халқаро саралаш фестивали ўтказилади.

Пойтахтимизда фестивалнинг ташкилий масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда юртимиз кино ва телевидение ижодкорлари, айниқса, ёш истеъдод эгаларини фестивалга жалб этиш, уларнинг иштирокини таъминлаш хусусида сўз борди. Бу йилги халқаро саралаш фестивалига Германия, Франция, Португалия, Беларусь, Латвия, Эрон каби ўнга яқин давлат ижодкорлари томонидан суратга олинган йигирмадан зиёд фильм тақдим этилган. Мазкур фестиваль 2005 йилдан бундан ўтказиб келинади. Ҳар йили анъанавий фестивалда сараланган юртимиз ва хорижий кино-телевидение ижодкорларининг кўплаб ҳужжатли фильмлари Миланда ўтказиладиган Жаҳон "Sport movies & TV" фестивалида намойиш қилинади.

Кузги чой  
маросими

Ўзбек-Япон маркази (UJC) 21-22 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги Япон боғида кузги чой маросимини ўтказди.

Шу кунги меҳмонлар чой маросими, унинг тури ва анъаналари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди. Маросим чоғида Майдзи даврига хос анъаналар намойиш этилади. Улардан бири "рюрэй" чой туридир. Ушбу чой тури ерда ўтиролмайдиган европалар учун ўйлаб топилган бўлиб, меҳмон ва меҳмонлар стол атрофидаги стулларда ўтириб чойхўрлик қилишган. Таомилга кўра, чой маросимидан ичимлик ичиш баробарида табиат манзаралари, гул дарахлардан баҳра олиш лозим. Акс ҳолда, чой маросимнинг маъно-моҳиятини тушунамай қолиш мумкин. Маросимнинг иккинчи кунги ҳам шу тарихга ўтади. Меҳмонлар чой маросими билан боғлиқ тўрт хил анъанадан воқиф бўладилар.

Ретроспектив  
намойиш

Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида 1919 йили Германияда суратга олинган овозсиз фильм намойиши бўлиб ўтади.

Германия Федератив Республикаси элчихонаси ва "Сугдиёна" ўзбек давлат халқ чолғулари камер оркестрининг ҳамкорлигида лойиҳаси 12 сентябрь кунги томошабинлар эътиборига ҳавола этилиши кутилмоқда. Феруза Абдурахимова дирижёрлигидаги оркестр намойиш давомида фильмга мос мусиқий композицияларни ижро қилади. "Моллюскалар маликаси" деб номланувчи фильм режиссёр Эрнст Любич томонидан суратга олинган. Фильмда бадавлат, муносиб кўвга турмушга чиқиш илнжида юрган қиз ҳақида ҳикоя қилинади. Аммо, қизнинг танлагани номи улғ, супраси қуруқ шахзода-нинг хизматкори бўлиб чиқади. Лойиҳа муаллифларининг таъкидлашича, бу каби ҳамкорлик икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлайди.

З. МУХАММАД

## Музейларимизда

## ТАБИАТ ДУРДОНАЛАРИ

## миллий бойлигимиз

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли Геология музейи она заминимизнинг бой табиий ресурсларини ўзда жамлаб келмоқда.

— Музейимиз ташкил топган кундан бошлаб тўпланган экспонатлар сони 50000 дан зиёд-ни ташкил этади, дейди музей директори Аҳмадҷон Аҳмедшаев. — Бугунги кунда музейлар фаолияти тўбдан такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Музейимизда музей экспонатлари ва коллекцияларни сақлаш, уларни ўрганиш жаҳон талаблари даражасида йўлга қўйилган. Бу ерда соҳа бўйича илмий изланишлар олиб бораётган геологлар ўзлари учун керакли бўлган маълумотларини олишлари мумкин. Шунингдек, мактаб ўқувчилари ҳамда соҳага яқин олий ўқув юртлари талабалари ўз билимларини ошириб келмоқдалар. Бундан ташқари, хорижий меҳмонлар билан зийда фильм тақдим этилган. Юртимизда геология соҳасида эришилган муваффақиятлар, табиий ресурслар ва олиб бораётган янгиликлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

— Сиз чўлатиргулини кўрганмисиз ёки эшитганмисиз? Чўлда атиргул нима қилади, дерсиз. Бироқ, музейда Жазирнинг Сахрои Кабирдан келтирилган ана шундай ноёб атиргулни кўриш мумкин. Чўлатиргули Қизилқумда ҳам бор. Ушбу экспонат гипс кристалларининг қотишмасидан ҳосил бўлади, дейди бизга экскурсоводлик қилган музей бўлими бошлиғи Махмуда Абидова. — Гипс химиявий чўкинди ҳисобланиб, денгиз ҳавзаларининг қуриши натижасида чўкиш йўли билан ҳосил бўлади. Текширишларнинг кўрсатишича, сувли эритмалардан 63 даражадан паст ҳароратда гипс ҳосил бўлиб, ундан юқори ҳароратда эса ангидрит ҳосил бўларкан.

Мутахассис бизни ушбу асосий зал, яъни табиатда учрайдиган тоғ жинслари, минераллар, геологик коллекциялар, ноёб тоғ минераллар, бир сўз билан айтганда табиат дурдоналари билан бирма-бир таништириб чиқди.

— Флюорит минерали: шаффоф, рангсиз, яшил, ҳаворанг, бинафаша баъзан қорамтир бинафаша рангли бўлади. Ушбу минерал форга бой бўлиб, руда ишлаб чиқарилишида ишлатилади. Химия саноатида флюоритдан бир қатор бирикмалар олинади. Тоғ хрусталли — кварцнинг шаффоф турига кирди. Бу тоғ жинсидан ҳар хил қимматбаҳо тошлар олинади ҳамда оптикада асбоблар тайёрлашда фойдаланилади. Феруза тоши нураш шароитида ер юзасидаги мис эритмаси глинозими билан фосфорга бой бўлган тоғ жинсларига таъсир этишидан, кўпин-

ча лимонит билан бирга ҳосил бўлади. Сунъий йўл билан феруза 100 градуска содир бўлган малахит, гилни сувли оксиди ва фосфор кислотаси орасида бўладиган реакция натижасида олинади. Феруза Шарқнинг қимматбаҳо тоши ҳисобланади.

Геология залида томошабин ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

— Ер уч қобикқа бўлинади, дейди Махмуда Абидова. — Ер қобиғи, мантия ва ядро. Ер қобиғи қалинлиги океан остида 5-10 километр, қуруқликда 20-75 километр ташкил этади. Ер пўстида кислород, кремний, алюминий, темир, натрий, калий, магний каби элементлар учрайди. Мантия қобиғи Мохорович чегарасидан пастда жойлашган бўлиб ер юзидан 2900 км чуқурликда бўлади. Юқори мантияда юмшоқ қобик, вулкнларнинг бошланғич ўчоқлари жойлашган ва



натлар ва қизиқарли маълумотларга гувоҳ бўладилар.

— Қўриқхонанинг диққатга сазовор жойи унинг геологик объектлари тоғ жинсларининг кетма-кет жойлашуви ва улардаги тош қотган қадимий ҳайвон ва ўсимликлар қолдиқларини ўрганиш мумкин бўлган кесимлардир, дейди экскурсовод Ҳамза Саипов. — Самарқанд шаҳридан бошланган катта автомагистрал йўл кўркам Тахтақорача тоғ довоғи орқали



ер пўстида тектоник ҳаракатларни келтириб чиқарувчи геологик жараёнлар содир бўлади. Урта мантия 300-1000 км чуқурликда жойлашган бўлиб, бу ерда сейсмик тўққинлар тезлиги ошади. Қуйи мантия 1000 - 2900 км оралиқни эгаллайди ва сейсмик тўққинлар деярли ўзгармайди.

Ер юзи улкан литосфералардан иборат. Бу плита доимо ҳаракатда, улар бир-бири билан ўзаро тўқнашиб туради. Иккита плита тўқнашган жойларда тез-тез вулкн ва зилзилалар содир бўлиб туради. Ер юзида иккита асосий сейсмик минтақа мавжуд: 1. Тинч океан сейсмик минтақаси. 2. Европа-Осиё сейсмик минтақаси. Ўзбекистон Европа-Осиё сейсмик минтақасида жойлашган. Шу сабабдан, мамлакатимиз сейсмик фаол зонага кирди.

Китоб давлат геология қўриқхонаси залида томошабинлар қўриқхонадаги энг ноёб экспо-

ўтади. Тоғ довоғидан тушишда эса Зарафшон ва Ҳисор тоғлари этакларида жойлашган Қашқадарё воҳасининг гўзал табиати кўзга ташланади. Қўриқхонадаги паленталогик музей турли қадимий денгиз жониворларининг ноёб коллекциялари, денгиз чўкинди жинслари бор.

Шунингдек, қўриқхонадаги тирик табиат олами жуда бой ва хилма-хил бўлиб, ҳозирги кунда ноёб ўсимликларнинг 800 турига яқини маълум, уларнинг 22 таси Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Буларга антиқа юно, ёввойи гладиолус, улкан ва Фостер лолалари, Фишер штернбергияси, эгритикан карраги, ёввойи селлагул, чиннигул, тахта окситрописи, сумбул, Жиззах карраги, Корольков ва Туркистон лоласи ҳамда норширич ўсимликлари кирди. Бугунги кунда уларнинг парваришига жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Музейни томоша қилиб шу

пайтгача ўзим билмаган жуда кўп маълумотларга эга бўлдим, дейди томошабин Фарход Усмонов. — Ер тарихида шундай даврлар бўлган эканки, унда асосий ҳукмрон динозаврлар бўлиб, улар турли-туманлиги, гавдасининг баҳайбатлиги билан ер шарида яшаган ҳайвонлардан ажралиб турган экан. Уларнинг узунлиги 30 метр, оғирлиги 50 тоннагача бўлган, кичиклари эса товуқ билан тенг бўлган. Баъзилари тўрт оёқда, баъзилари эса икки оёқда ҳаракат қилган. Динозаврлар ер шарида тахминан 150 миллион йил ҳукмронлик қилган. Динозавр сўзининг таржимаси "дахшатли калтакесак", деган маънони билдиради. Динозавр қолдиқлари жуда кўплаб топилган ва топилмоқда. Музейдан Ўзбекистонда топилган 16 турдаги динозавр қолдиқлари ўрин олган экан. Бу қолдиқлар гиллар, оҳақтошлар, қумтошлар ёки чўкинди тоғ жинслари билан аралашган ҳолда учраб экан. Ҳозиргача уларнинг 500 дан ортиқ тури аниқланган. Улар ҳавода, сувда ва қуруқликда ҳам яшаган. Динозавр қолдиқлари Америка, Африка, Осиё, Европа ҳамда Ўрта Осиё ҳудудларида кўп экан.

— Музей ҳақидаги таассуротларим чексиз. Сизга ҳозир қай бирини айтсам, дейди Нодир Шеров. — Қадимги тоғ-кони саноати залини томоша қилиб юрганымда экскурсоводнинг, бир тўплам буюмлар тарихи ҳақидаги ҳикояси қизиқ уйғотди. У кишининг айтишича, Ангрн ва Олмалиқ оралиғидаги Теракли қишлоғида яшаган бир бой киши мўғуллар босқини пайти, аниқроғи, XIII аср бошларида бойликларини сандиққа солиб ерга кўмиб қўйган экан. Бундан ташқари, музейда она ер ва табиатимизда учрайдиган, манбалар жуда кўп экан. Бу бизнинг миллий бойлигимиздир. Биз улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Дилфуза РЎЗИЕВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Бебаҳо бўзоч

Бўзоч сафро ажралишини кучайтириш, сафрони суялтириш, сафро кислотаси концентрацияси ва билирубин миқдорини камайитириш хусусиятига эга. У холестерин-сафро кислоталарини ўзгартиради, ўт пуфағи тонусини оширади, ошқозон ва ошқозоноти бези секретцияси функциясини кучайтиради, диурезни оширади.

Тиббиётда асосан гули ишлатилади. Таркибида флавоноидлар (нарингенин, апигенин, кемперол, уларнинг гликозидлари ва бошқалар), кумаринлар, эфир мойи, инозит, витамин К, бўёқ, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Гулининг дори препаратлари - қайнатмаси, ҳабдори ҳолидаги қуруқ экстракти (фламин, қуруқ экстракти ва ўт ҳайдовчи чойлар) сарғайма, сурункали холецистит ва бошқа касалликларда самарали қўлланиб келинади. Замонавий тиббиётда бўзоч тулгуллари холецистит, гепатит, холангитда ўт ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади. Бўзоч гули - халқ табибатида қадимдан жигар, ошқозон-ичак йўли ва буйрак касалликларида ишлатиб келинган. Қолаверса, бўзоч гипертония касалликлари ва атеросклерозни даволашда ҳам наф беради.

## БИЛАСИЗМИ?

Тилла балиқча — инфракүзил ва ультрабинафша нурланишлари билан оладиган ягона тирик жонзотдир.

Энг биринчи гугурт 1820 йилларда Европада пайдо бўлган. Аммо, илк гугурт ўта хавфли бўлиб, арзиманган ишқаланиш оқибатида ҳам ёнаверган. Ҳозирги кўринишдаги гугурт дончалари эса 1855 йили Швецияда ишлаб чиқарила бошланган.

## ТУРФА ОЛАМ

Компьютерга  
хожат қолмайди

SAMSUNG КОМПАНИЯСИ IFA КЎРГАЗМАСИДА ЯНГИ GALAXY GEAR КЎЛ СОАТИНИ ОММА ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТДИ.



Соат ишлаб чиқарувчининг аввалги смартфон ва планшетларини янада тўлдирган. Чунки унда бир неча қўшимча функциялар, экшен-камера, шагомер ва портатив компьютер мавжуд. Қурилма Android базасида ишлайди ва асосий аппаратга Bluetooth орқали уланади. Galaxy Gear 1,9 мегапикселли камерага эга бўлиб, истаганча фото ва видео сўёмкани амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, ақли соат 1,63 дюймий сенсор экран, 800 мегагерцли процессор, 4 гигабайтлик ички ва 512 мегабайтлик тезкор хотирага эга. Асосийси, бундай соати бор инсон компьютерга умуман эҳтиёж сезмайди.

Дахшатли  
аттракцион

2014 ЙИЛНИНГ БАҲОРИДА АКШНИНГ НЬЮ-ЖЕРСИ ШТАТИДАГИ SIX FLAGS БОҒИДА ДУНЁДАГИ ЭНГ КЎРҚИНЧЛИ АТТРАКЦИОН ОЧИЛАДИ.



Конструкция 415 фут (тахминан 126 метр) бўлиб, баландлиги 41 қаватли уйдан-да ошиши кутилмоқда. Айтишларича, бундай конструкцияга лифт орқали кўтарилади, бироқ, тушишда ҳамма ўзини пастга ташлашга мажбур. Бу амал соатига 205 километр тезликда, тахминан 10 сония давом этади. Фоя муаллифларининг фикрича, аттракцион ишга туширилгач, баландлиги бўйича Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олади. Ҳозирда боғ мавжуд аттракционларни таъмирлаш ва келгусида ундан-да баландроқларини қуришни режалаштирмоқда.

Зафар МУХАММАД тайёрлади